

## Самарқанд вилоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказини тиббиёт ускуналари билан таъминлаш лойиҳаси

2016 йилда Самарқанд вилоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази физиотерапия учун тиббий жихозлар билан таъминланди, бунинг натижасида йилига 2000 дан ортиқ киши физиотерапевтик муолажаларни қабул қилябти.

«Самарқанд вилоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази «Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам» дастури доирасида 109 500 АҚШ долларилик физиотерапевтик муолажалар ускуналари билан таъминланди. Ушбу суммага физиотерапия учун 8 та аппаратлар сотиб олинган бўлиб, улар хозирги кунда марказнинг bemорлари учун юқори самарадорлик билан қўлланилмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, кўрсатилган беғараз ёрдам учун Япония Ҳукумати ва Халқига самимий миннатдорчилик билдирамиз. Сўз сўнгидаги дастур иштирокчиларига омад тилайман ва шуни таъкидлаб айтмоқчиманки Япония Элчихонасининг «Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам» дастури фақат яхши натижалар келтиради.

Д.Х.Жуманиязов, Самарқанд вилоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказини директори

